

# **Оламнинг ниҳояси (2)**

# **Дажжол фитнаси (1)**

[ Ўзбекча – Uzbek – الْأَوْزَبْكِي ]

*Шайх Мухаммад ибн Абдурраҳмон ал-  
Арифий*

**Таржимон:** *Абу Абдуллоҳ Шоший*

**Нашрга тайёрловчи:** *Шамсиддин Даргомий*

2013 - 1435

**IslamHouse**.com

# نهاية العالم (٢) فتنة الدجال (١)

« باللغة الأوزبكية »

الشيخ محمد بن عبد الرحمن العريفي

ترجمة: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: شمس الدين درغامي

2013 - 1435

IslamHouse.com

Дажжол бу жойларда бўлди, шу уйларнинг ёнидан ўтди, унинг аҳолиси фитналандимикин?!

Балки кишилар аҳлини Дажжолга эргашмасин, деб боғлаб қўйишга мажбур бўлгандир?!

У мана шу дараҳтлар ёнидан ўтди, ер куррасида кезди, ер юзида қирқ кун турди.

Бу кунларнинг узунлиги қанча экан? Дажжол ўзи ким эди?

Унинг қиссаси қандай? У Одам фарзанди эдими?

У факат башарият-инсонга йўлланганми ёки жинларга ҳам унинг хабари ва фитнаси етадими?

Ер юзида пайдо бўлса нималар қиласкин, ерга буюруқ берса, ер унга итоат қиласми?

Осмонга қараб, кейин унга буюруқ қиласа, у унга итоат этадими?

У нималарни даъво қиласми?

Дажжол одамларни нимага чақиради?

Нух алайҳиссалом қавмига юборилди ва у нима учун Масихид-Дажжолга эргашишлиқдан уларни огоҳлантириди.

Шуъайб алайҳиссалом қавмига юборилди, у улардан ажралишидан олдин Масихид-Дажжолдан огоҳлантириди.

Солиҳ алайҳиссалом қавмига юборилди, у улардан ажралкан Дажжолдан огоҳлантириди.

Юсуф алайҳиссалом қавмини Дажжолдан огоҳлантириди.

Солиҳ алайҳиссалом қавмини огоҳлантириди.

Ўтган пайғамбарларнинг ҳар бири ўз қавмини Масихид-Дажжолдан огоҳлантириди. Уларга меҳрибонлиги, улар учун хавфсираганидан уларни огоҳлантириди.

Масихид-Дажжолнинг фитнаси ўзи нима? У нима учун бу дунё йўқ бўлишидан олдин келади?!

Унинг дарахтларга таъсири қандай, дарахтлар унга итоат қиласдими?!

Нима учун Набий алайҳиссолату вассалом сояси бор нарса қолмайди, дедилар. Барча дарахтлар кўриб турганимиздек, вайрон бўлган, қаҳатчиликдан қуриб битган, қақшаган бўлади. Сояси бор бирор нарса қолмайди, уни еб на эт унади ва на қорин тўяди, нима учун?!

Нима сабабдан Дажжол деб номланган?  
“Дажал” нима деган маънони билдиради?

Инсонлар устида юз берувчи фитналарнинг тури кўп, жумладан:

- мол-мулқдаги фитна, Оллоҳ таоло инсонга мол-дунё беради, уни закот чиқаришига буюради, мол-дунё унга суюкли бўлсада ундан закот чиқаришни амр қилди. Уни ўзирай қийналмаган, машаққат чекмаган, кечалари бедор бўлмаган, пул топаман деб сафар қилмаган, ўзидан фақир бўлган бирига беради. Мол-мулк фитнаси.

- фарзанд фитнаси, "Албатта жуфтларингиз ва болаларингиздан сизлар учун душман бўлганлари

**хам бордир. Бас, улардан эҳтиёт бўлинглар!"**  
(Тағобун: 14).

**"Албатта молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас"** (Анфол: 28),

- Дажжол эса, Оллоҳга қасамки, Оллоҳ Масиҳид-Дажжолдан кўра каттароқ фитнани ҳеч яратмаган.

Набий алайҳиссалоту вассалом саҳобалар олдига чиқдилар, улар гаплашиб ўтирадилар, *Нима тўғрисида гаплашаяпсизлар? Нима ҳақида суҳбат қилаяпсизлар?, – дедилар.*

Улар: Масиҳид-Дажжол ҳақида гаплашаяпмиз, дедилар. У ҳақида бизга айтиб бердингиз ва у ҳақида шунчалар кўп сўзлаганингиздан ҳатто у хурмозор атрофида бўлса керак, деб ўйлаб қолдик. Набий алайҳиссалоту вассалом Дажжол ҳақида мажлисларида, саҳобалари орасида ва хутбаларида кўп гапирганларидан саҳобалар уни яқин ўртада, Мадинада, хурмозор атрофида деган ўйга боргандилар.

Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом дедилар: "Дажжолдан боиқа сизларга қўрқадиганроғим борми?!" Дажжолдан кўра фитналироқ ва ёмонроқ нарса борми?, дедилар. Гўё у зот сахобалариға уни кўп гапирганим учун мени маломат қилманглар, деяётгандек эди. Ҳақиқатан Буюк фитнадир.

У зот: "Дажжолдан боиқа сизларга қўрқадиганроғим борми! Агар у мен сизнинг орангизда эканимда чиқса, мен сиз учун унга ҳужжатлашаман", – дедилар. У зот қаҳрамон, довюрак, хотамун-набиййин (пайғамбарларнинг охиригиси), авлиёлар саййидидир.

Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом дедилар: Дажжол чиқса, мен сизнинг орангизда тирик бўлсам, мен сизларни ҳимоя қиласман, ёлғонни фош қиласман, у билан тортишаман ва сизларни унинг фитнасидан ҳимоя қиласман, мен сизларни ҳимоя қиласман. Агар у мен орангизда йўқлигимда чиқса, – зеро "**Ҳар бир жон ўлимни тотгувчиидир**" (Оли Имрон: 185), – Набий алайҳиссалоту вассалом ўзининг башар эканини ва шубҳасиз ўлажагини билардилар, ўлмайдиган тирик Зотгина боқий қолур. Дедилар: "Агар мен ораларингизда бўлмаганимда чиқса", яъни Дажжол келишидан олдин ўлсам "Агар у мен ораларингизда

*бўлмаганимда чиқса, ҳар ким ўзининг ҳужжатчисидир*", (ҳар бир киши ўзи учун жавобгардир).

Мен мавжуд бўлмайман, эй асҳобим, сизлар устингизда баҳслашиб, тортиша олмайман, бироқ ҳар бирингиз ўзига жавобгардир. Демак, ҳаммамиз ўзимиздан масъул эканмиз, бугун бу ерга Дажжол ҳақида гаплашгани келдик. Унинг сифатларини баён қиласми, чунки ҳар биримиз ўзидан масъулдир.

Унинг фитнасини баён қиласми, чунки ҳар биримиз ўзига жавобгардир.

Унинг қилмишларини баён қиласми, у кўрсатадиган сеҳр нима, ерга ва осмонга қандай буйруқ беради, чорваларга қандай таъсир қиласди, ҳайвонларга қандай таъсир кўрсатади, валлоҳи шулар ҳақида гаплашамиз, чунки ҳар биримиз ўзидан масъулдир.

*"Мен сизнинг орангизда эканимда чиқса, мен сизларни ҳимоя қиласман"*, лекин пайғамбар алайхиссалом орамизда йўқлар, у зот дедиларки: *"Агар мен ораларингизда бўлмаганимда чиқса, киши ўзини ҳимоя қилувчиидир"*.

**Дажжол:** Одам фарзандидан бўлган бир кимсадир, Оллоҳ таоло унга бошқа инсонларнинг қудратларидан кўпроқ қудратлар берган.

Унинг номи Масихид-Дажжолдир, чунки унинг бир кўзи “масих” (яъни теп-текис)дир. Унинг ўнг кўзи ғилай, нариги кўзи эса теп-текисдир.

Масих дейилишига яна бир сабаб шуки, у ерни супуриб юради. Ер юзини кезиб, қаердан ўтса бирор нарсани қолдирмай суриб яксон қилиб кетаверади. Шунинг учун Масих деб номланди, Миссиҳ ҳам дейилгандир.

Дажжол: Қаллоб, каззоб дегани. Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом уни масихул-каззоб демадилар, балки Дажжол дедилар. Унда ёлғонлар, ўйинлар, уйдурмалар, сеҳр ва тасаввурларнинг кўплиги сабаб уни шундай номладилар, у Масихид-Дажжолдир.

- Дажжол, то одамлар минбарларда унинг зикрини тарқ қилмагунларича чиқмайди, жума имом хатиблари уни гапирмайдилар, маърузаларда, дарсларда, кўрсатувларда одамлар унинг номини, унинг сифатларини эшитмайдилар, ундан огоҳ

бўлмайдилар, унугадилар, ана ўшанда Дажжол тўсатдан чиқади. Ўшанда омма инсонлар Дажжолдан бехабар бўладилар.

- Дажжол ўзини оламлар парвардигори эканини даъво қиласди, одамларни ўзига ибодат қилишларига чақиради,

Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом айтади:  
*"Билиб қўйинг, у гилайдир, Оллоҳ эса гилай эмасдир"*,  
Раббимиз жалла ва аъло комил сифатлар соҳибидир,  
*"Дажжол эса гилайдир, икки кўзининг ўртасига "коғир" (و ف) деб ёзилган, уни ҳар бир ўқишини биладиган ёки билмайдиган мўмин киши ўқийди"*.  
Мўминларнинг барчаси ундаги "кафаро" калимасини ўқийдилар ва кўзининг ғилайлигини кўрадилар ва қолган сифатларини кўриб, унинг Дажжол эканини биладилар. У болдиrlари қийшиқ, қингир оёқ, жингалаксочдир. Яъни сочи текис эмас, балки жингалакдир, жуссаси катта, оқ танлидир. Дажжол ана шунақадир.

Ота-онам унга фидо бўлсин саййидимиз Расулуллоҳ алайҳиссалоту вассалом доим саҳобаларига айтардилар, Мадинада бир бола бўлиб,

унинг исми Соф эди, у Ибн Сайёддир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундағи сифатларни кўрганларида уни Дажжолмасмикан деб шубҳаланиб қолардилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бир гуруҳ отлиқлар билан келдилар, улар орасида Абу Бакр ва Умар ҳам бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келиб, болалар орасида ўйнаётган бир бола олдида тўхтаб, унга разм солиб, фикрга чўмдилар. Набий алайхиссалоту вассалом бу бола Оллоҳ менга тез орада чиқади, одамлар у билан фитналанади, деб билдирган Дажжолми деб ўйладилар. Ўша бола Дажжолмиди? Шунда Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам: "*Менинг пайғамбар эканимга иймон келтирасанми?*" – дедилар. Ибн Сайёд Расулуллоҳга кўзини тик қилиб: "*Сен саводсизларнинг пайғамбарисан, деб гувоҳлик бераман*", деди. Расулуллоҳ сукут қилдилар.

Шунда Ибн Сайёд: "*Мени Оллоҳнинг расули эканимга гувоҳлик берасанми?*" – деди. Расулуллоҳ унга: "*Мен Оллоҳга ва унинг расулларига иймон келтирганман*", – дедилар.

Сүнгра ул зот: "Мен бир нарсани күнглимга яширдим, (қани топчи?)" – деб айтдилар. Мен қалбимга бир калимани яширдим, у нима? Топчи, нима бўлиши мумкин, ўйлачи, деб Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни синаб кўрмоқчи бўлдилар. У кичик бўлишига қарамай жинларни ишга соладими, унга ҳодисанинг хабарини берадими ёки бирор бошқа нарсанинг хабарини берадими?, – дея синаб кўрмоқчи бўлдилар.

Ул зот: "Мен бир нарсани күнглимга яширдим, (қани, топчи?)" – деб айтдилар. Ибн Сайёд: "Бу—ад-Дух, ад-Дух, – деди. Набий алайҳиссалоту вассалом: "Даф бўл! Ҳаддингдан ошолмайсан!" – дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўнгилларига яширган нарса «ад-Духон» калимаси эди, **"Бас, осмон аниқ тутунни келтирадиган кунни кутинг"** (Духон: 10). Қаллоб Ибн Сайёд жинлардан фойдаланаарди, жинлар унга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қалбидағи нарсани чиқариб бера олмади, шунда у тахмин билан "ад-Дух, ад-Дух", – деди.

Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом эса: "Даф бўл! Ҳаддингдан ошолмайсан!" – дедилар.

Яъни сен ёлғончисан, жинларни, кўзбўямачиликни ишга соласан, дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом у Дажжолмикан деган ўйларида қолдилар, шунда Умар: "Ё Расулаллоҳ, менга ижозат беринг, унинг бўйнини ўзиб ташлайин!" – деди. Ҳузурингиздаги шу болани, бу тўқимачи қаллобу жинни бўйнини узиб ташлайин, изн беринг, деди.

Пайғамбар алайҳиссалоту вассалом: "Йўқ, эй Умар! йўқ. Агар у бўлса, агар ҳақиқатда бу Дажжол бўлса эй Умар, сизга уни ўлдириши имкони берилмайди. Унда уни бошқа киши ўлдиради, сиз эмас, эй Умар", – дедилар. Агар у (Дажжол) бўлса, унга бас келолмайсиз, башарти у Дажжол бўлмаса, уни ўлдирмоғингиздан сизга бирор хайрият йўқдир. Агар у Дажжол бўлмаса, уни ўлдириб нима қиласиз? Агарда Ибн Сайёд Дажжол бўлса, уни бошқа одам ўлдиради, у Исо бин Марям алайҳиссаломдир.

Сўнгра кунлардан бир кун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Ибн Сайёд томонга, у Дажжолми ёки йўқми, шояд унга далолат қилувчи баъзи нарсаларни қўрарман дея йўлга чиқдилар. У ерга етиб бориб, бир хурмо ортига ундан бирор

нарсани кўраманми деб яшириндилар. Ибн Сайёд ётволган, тушунарсиз оҳангда минғирлаган овози қулоққа чалинар эди. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам унга яқинлашдилар, у киши билан икки азиз саҳобаси Абу Бакр ва Умар бор эди. Унга жуда яқин келиб баъзи нарсаларни эшитишга ҳаракат қилаётгандарида, Ибн Сайёднинг онаси пайғамбаримизни кўриб: Эй Соф, эй Соф (бу унинг исмидир), эй Соф, қара Мухаммад олдингга келибди, – деди. Ибн Сайёд сапчиб ўрнидан турди. Расулуллоҳ: “Агар (онаси) индамаганида баён бўларди”, – дедилар, яъни агар тек қўйганида унинг ҳақиқатда ким эканлиги ошкор бўлур эди! – дедилар.

Бу Ибн Саёд ҳақидаги хабарлардан биридир.